

6-1-2019

Improving the system of personal income taxation

I. Safarova

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Safarova, I. (2019) "Improving the system of personal income taxation," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 20.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss3/20>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Improving the system of personal income taxation

The article is devoted to observing the income of individuals and the economic nature of their taxation, the impact of changes in the system of personal income taxation and taxation of income of individual entrepreneurs on the state budget and taxpayers. The article reflects the problems of taxation of individuals and the author's approach to solving them.

Key words: Individuals, personal income, income tax, state budget revenues, total income, taxation, individual entrepreneur, fixed tax.

There is a special emphasis on reducing the tax burden, simplifying the tax system, and creating an effective tax administration to improve the tax system in our country.

The main difference of modern changes in the formation and development of country's tax system from previous periods is that they are systematic in nature and implemented in accordance with the Concept of Improving the Tax Policy of the Republic of Uzbekistan, which, in turn, triggered fundamental changes in this area. In particular, changes in the mechanism of taxation of personal incomes have led to a significant increase in population real incomes. It should be noted that until 2019, changes in the system of taxation of personal income had a negligible impact on individuals' income. That is why a systematic study of the impact of changes in the system of personal income taxation on taxpayers and the state budget is actual in our country.

Overseas experience shows that in the taxation of personal income it is preferred studying the effect of taxation on macroeconomic indicators to studying its internal elements. In developing countries, the emphasis is on consumer taxes, not on income taxes. Therefore, it is necessary to determine the optimal combination of consumer taxes and income tax. Individuals can evade paying income tax in a variety of ways, but they have to pay consumer taxes in its entirety.

It is necessary to correctly and fully determine the income of individuals with the purpose of their taxation. It is known that an individual is considered a taxpayer of income tax when he has taxable income from constant activity. However, not each income is subject to taxation, but only that specified in tax legislation. In our opinion, in order to improve the fiscal function of the tax, it is more expedient to substantiate scientifically the objects of taxation and methods for increasing revenues than to complicate tax calculations by changing its elements.

In the tax code, the total income of individuals does not include income derived from citizen's entrepreneurial activity, because they have a special procedure for taxation. But this does not mean that income gained from business activities cannot be considered as income of individuals.

The introduction of a flat tax rate for personal income tax of 12%, as well as the abolition of citizens' insurance contributions to the non-budgetary Pension Fund (8%) served to significantly increase the real income of individuals. In addition, an increase the share of this tax in the overall revenue mix of the state budget is expected. The factors for increasing the tax share are the abolition of certain benefits, the strengthening of tax administration, and the legalization of the shadow economy.

The sharp decline in the share of fixed tax in the revenues of the state budget from 1.3% in 2018 to 0.8% in the first quarter of 2019 is caused by a change in the procedure for taxation of individual entrepreneurs and a decrease in tax rates by 30% compared to 2018. As is known, until 2019, all individual entrepreneurs had to pay a fixed tax. The amount of tax was depended on the minimum wage, based on the type of activity and its location. Since 2019, the following changes have been adopted to the system of taxation of individual entrepreneurs:

- individual entrepreneurs, whose revenue from the sale of goods (works, services) for a calendar year exceeds 100 million sum, have to pay a single tax payment at a rate of 4% instead of fixed tax;

- for individual entrepreneurs, whose revenue from the sale of goods (works, services) for a calendar year does not exceed 100 million sum, the procedure for calculating and paying a fixed tax is kept;

- individual entrepreneurs, whose revenue from the sale of goods (works, services) for the tax period exceeds one billion sum, are obliged to pay taxes and other obligatory payments intended for legal entities.

This means that the current tax legislation provides for three different procedures for taxing the activities of individual entrepreneurs. However, the choice of taxation does not depend on the desire of the individual entrepreneur, but on his annual turnover.

Currently, the legal and economic aspects of business taxation are continuously being improved and strengthened. However, we consider the establishment of various procedures for taxing individual entrepreneurs to be unfair. Therefore, it is necessary to create an optimal mechanism for taxing individual entrepreneurs' income to improve their taxation system.

(Full article is available in Uzbek)

Н.А.Сафарова
ТМИ, “Молия”
кафедраси тадқиқотчиси

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мақолада жисмоний шахслар даромадлари ва уларни солиққа тортишнинг иқтисодий моҳияти, улардан олинadиган даромад солиғи ва яқка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллунувчи жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимидаги ўзгаришларни давлат бюджети ва солиқ тўловчилар фаолиятига таъсири, солиққа тортиш тизимидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш масалалари хусусида муаллифнинг қарашлари келтирилган.

Таянч сўзлар: Жисмоний шахслар, жисмоний шахслар даромадлари, давлат бюджети даромадлари, жами даромадлар, солиққа тортиш, яқка тартибдаги тадбиркор, қатъий белгиланган солиқ.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ДОХОДОВ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ

В статье рассматриваются доходы физических лиц и экономическая сущность их налогообложения, влияние изменений в системе налогообложения налога на доходы физических лиц и налогообложения доходов физических лиц, занимающихся индивидуальной предпринимательской деятельностью, на государственный бюджет и деятельность налогоплательщиков. В статье отражены проблемы налогообложения физических лиц и авторский подход их решения.

Ключевые слова: Физические лица, доходы физических лиц, доходы государственного бюджета, совокупный доход, налогообложение, индивидуальный предприниматель, фиксированный налог.

Кириш

Мамлакатимиз солиқ тизимини такомиллаштиришда солиқ юқини изчиллик билан камайтиришга, солиқ солиш тизимини соддалаштиришга, самарали солиқ маъмурчилигини шакллантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Эътиборли жиҳати шундан иборатки, мамлакатимиз солиқ тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш жараёнида ўтган даврда амалга оширилган ўзгаришлардан фарқли ўларoқ, Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси [1] асосида солиқ тизимида амалга оширилган ўзгаришлар бу соҳада кескин бурилишга омил бўлди. Айниқса, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш механизмидаги ўзгаришлар уларнинг реал даромадларини сезиларли даражада ошишига хизмат қилади.

Ваҳоланки, 2019 йилга қадар жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимидаги ўзгаришлар уларнинг даромадларига сезиларли даражада таъсир этмаган. Шу боис, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимидаги ўзгаришларни солиқ тўловчилар ва давлат бюджетига таъсирини тизимли ўрганиш ва таҳлил қилиш, бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқиш айтилган вақтда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишга доир тадқиқотларда кўпроқ эътибор жисмоний шахслардан олинган даромад солиғининг назарий-амалий жиҳатларига, жами йиллик даромадларни декларациялашга, даромад солиғини такомиллаштиришга қаратилган. Айтилган, сўнгги вақтда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимини тадқиқ қилишга доир изланишлар салмоғи ортди.

Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи, асосан аҳолининг пировард пул даромадлари даражасига таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, давлат нуқтаи назаридан уни олинган даромадлардан янада мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун рағбатлантирувчи омил сифатида қарайди. Даромад солиғи туфайли даромадларнинг, аввало, юқори даромадларнинг бир қисми аҳолининг қўшимча маблағларга муҳтож бўлган тоифаларини қўллаб-қувватлашга ва, умуман, жамият манфаатлари йўлида қайта тақсимланади. Даромадлардаги тенгсизлик даражаси маълум даражада қисқаради[2]. Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи фуқароларнинг шахсий даромадларидан тўланадиган ва давлат бюджетига тушадиган мажбурий тўлов бўлиб, у ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун сарфланади ва ўзида муайян иқтисодий муносабатларни акс эттиради[3]. Жисмоний шахслар даромадларини декларация усулида солиққа тортишни такомиллаштириш масалалари ўрганилган. Даромад солиғига доир шу каби фикрлар бошқа тадқиқотларда кенг ўрин олган.

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимидаги ўзгаришлар мамлакатимиз солиқ тизими тараққиётида жисмоний шахсларни солиққа тортиш методологиясига янгича ёндашувни тақазо этмоқда. Ҳозирги замон талаблари ва реал ҳаётининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш методологиясига янгича ёндашувнинг фундаментал асоси солиқ тизими модернизацияси шароитида янги солиқ сиёсати доирасида аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш амалиёти тизимли тарзда тадқиқ этилиши ва унинг эътибор марказида “ноқонуний даромад ва солиқ тўлаш базасини яширишга интилишдек” негатив амалиётга альтернатив тарзда жисмоний шахслар даромадларини онгли тарзда легаллаштиришга эришиш лозим [4].

Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимининг танқидий таҳлили шуни кўрсатадики, халқаро амалиётда кенг ва самарали қўлланиб келинаётган ижтимоий чегирмалар тизими амалда

мавжуд эмас. Бу борада ижтимоий чегирмаларни жорий қилиниши жамиятдаги айрим ижтимоий муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади [5].

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг фискал элементлари фаолияти самарадорлигини солиқ базасини мустаҳкамлаш, солиққа тортишнинг ижтимоий функцияси аҳамиятини назарда тутган ҳолда прогрессив тизимга босқичма-босқич ўтиб борилишини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, даромадни кўпайтириш ва легаллаштириш, йирик харидлар ҳисобини йўлга қўйиш орқали жисмоний шахслар солиқ базасини аниқлашнинг мукамал тизимига ўтиш орқали таъминлаш зарур [6].

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизими тадқиқида бир томонлама ёндашув сақланиб қолмоқда. Ваҳоланки, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизими фақатгина жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи билан чекланмаслигини келтириб ўтиш ўринлидир.

Дунё тажрибасида жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда унинг ички элементларидан кўра макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсири кўпроқ тадқиқ этилмоқда. Ривожланаётган давлатларда даромадларни солиққа тортишдан кўра истеъмол солиқларига кўпроқ эътибор қаратилади. Шу боис, истеъмол солиғи ва даромад солиғининг оптимал комбинацияси (бирикмаси)ни белгилаш кераклиги таъкидланади. Жисмоний шахслар даромад солиғини турли йўллар билан четлаб ўтишлари мумкин, лекин истеъмол солиқларини тўлиқлигича тўлашга мажбурдирлар [7].

Таҳлил ва натижалар

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда, уларнинг даромадларини тўғри ва тўлиқ аниқлаш талаб этилади. Маълумки, жисмоний шахс муайян фаолиятдан солиққа тортиладиган даромадга эга бўлгандагина даромад солиғини тўловчи ҳисобланади. Жисмоний шахсларнинг ҳар қандай даромадлари ҳам солиққа тортилавермайди, балки, солиқ қонунчилигида белгиланган солиққа тортиладиган даромадларга эга бўлган жисмоний шахсларда солиқ тўлаш мажбурияти вужудга келади. Бизнингча, солиқларнинг фискаллигини ошириш учун солиқ элементларининг у ёки бу турини ўзгартириб, ҳисоб-китобларни мураккаблаштиришдан кўра, солиққа тортиш объектини, даромадларни ошириш йўлларини илмий жиҳатдан асослаш ва амалда эришиш мақсадга мувофиқдир.

Солиқ кодексига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркибига меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар, мулкӣ даромадлар, моддий наф тарзидаги даромадлар ва бошқа даромадлар киради [8].

Солиқ кодексига жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркибига тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар киритилмаган. Чунки, солиқ қонунчилигига мувофиқ жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятдан олган даромадларини солиққа тортишнинг алоҳида тартиби белгиланган. Аммо бу дегани тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромадлар жисмоний шахсларнинг даромади эмас, деган тушунчани англатмайди.

Бизнингча, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш ҳақида мулоҳаза юритилганда, уларнинг нафақат юқорида келтирилган солиқ

кодексидаги даромадлари, балки тадбиркорлик фаолиятдан олган даромадлари ҳам тушуниш талаб этилади.

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг фискал аҳамиятини очиб беришда жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқларнинг давлат бюджети даромадлари таркибидаги ўрнини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ (1-расм).



1-расм. Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқларни давлат бюджети даромадлари таркибидаги улуши динамикаси [9]

1-расмда 2015-2019 йилларда жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқларнинг республикамиз давлат бюджети даромадлари таркибидаги улуши динамикаси келтирилган бўлиб, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг улуши 2015 йилдан 2018 йилга қадар 10,4 фоиздан 8,1 фоизга қадар камайган бўлса, 2019 йилги прогноз кўрсаткичларида 11,1 фоизни ташкил этиши ёки 3,0 пунктга ортиши режалаштирилиб, кескин ўсиши кутилмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган солиқ (ҚБС)нинг улуши 2015 йил 1,9 фоиздан 2017 йил 2,1 фоизни ташкил этгани ҳолда қисман, яъни 0,2 пунктга ўсиши кузатилган бўлса, 2018 йил ва ундан кейинги йилларда кескин камайиши кутилмоқда.

Бизнингча, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган солиқнинг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улушининг ўзгариши аввало уларнинг ставкаларидаги ва солиқ мажбуриятларидаги ўзгаришларга боғлиқ.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг 4 босқичли табақалашган ставкалари ўрнига ягона 12 фоизлик ставканинг жорий этилиши

ҳамда жисмоний шахсларнинг даромадларидан Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадалининг (8 фоиз) бекор қилиниши уларнинг реал даромадларини сезиларли даражада ошишига омил бўлди. Шу билан бирга, кўпчиликнинг мулоҳазаларига нисбатан аксинча, юқоридаги ўзгаришлар натижасида ушбу солиқнинг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улуши кескин камайиши ўрнига, аксинча, ошиши кутилмоқда. Тўғри, бунда жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича айрим имтиёزلарнинг бекор қилиниши таъсир қилмоқда. Лекин солиқ маъмурчилигини тўғри йўлга қўйилиши ва ноқонуний ишлаётган ёки уларга ноқонуний тўланаётган даромадларни легаллаштиришнинг таъсири катта эканлигига эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга, даромад солиғининг ягона 12 фоизлик ставкасини белгиланиши солиқ тўловчиларнинг энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача бўлган даромадлари ҳамда жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадлари 7,5 фоиз ставкада солиққа тортилган бўлса, ҳозирги вақтда бундай даромадлар ҳам 12 фоизда солиққа тортилаётганлиги солиқ тушумларининг барқарор ва ўсиш даражасининг сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, 2019 йилга қадар мамлакатимиз солиқ қонунчилигига мувофиқ барча якка тартибдаги тадбиркорлар тадбиркорлик фаолиятини олиб боришлари учун қатъий белгиланган солиқ тўладилар. Қатъий белгиланган солиқ суммаси тадбиркорнинг олган ёки олиши мумкин бўлган даромадлари ёхуд оборотларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, фаолият тури ва фаолият юритаётган ҳудудига қараб энг кам иш ҳақига қаррали миқдорларда белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сон қарорига асосан 2019 йил 1 январдан якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш тизимида куйидаги ўзгаришлар амалга оширилди:

- календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар ягона солиқ тўловини 4 фоиз ставкада тўлашга ўтказилди;

- календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинди;

- календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 1 миллиард сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар солиқлар ва мажбурий тўловларни юридик шахс учун назарда тутилган тартибда тўлайди [10].

Демак, амалдаги солиқ қонунчилиги якка тартибдаги тадбиркорлар учун солиққа тортишнинг 3 хил тартибини назарда тутмоқда. Уларнинг қай бирини танлаш якка тартибдаги тадбиркорнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда, унинг йиллик товар айланмаси асосида белгиланади. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан олинган қатъий белгиланган

солиқнинг давлат бюджети даромадларидаги улушининг кескин пасайиши юқоридаги тартибга ҳамда қатъий белгиланган солиқ ставкаларининг жорий йилда 2018 йилга нисбатан 30 фоизга камайтирилиши билан ифодаланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти ва уни солиққа тортишнинг ҳуқуқий-иқтисодий тизими такомиллашиб, тобора мустақамланмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда бу жараёнга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бугунги кунда бир неча нафар жисмоний шахсларнинг ўзаро биргаликдаги фаолиятини юридик шахсни ташкил этмасдан йўлга қўйиш имконияти яратилди. Бу ҳолат мамлакатда оилавий тадбиркорликни кенг йўлга қўйишни, авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий анъаналарни ривожланишини ҳуқуқий-иқтисодий кафолатини таъминлашга хизмат қилмоқда. Чунки, олдин амалда бўлган тартибга кўра яқка тартибдаги тадбиркорга оила аъзолари ёки бошқа шахслар ёрдам беришининг ҳуқуқий асоси мавжуд бўлмаган бўлса-да, улар айрим ҳолларда бошқа шахслар меҳнатидан кенг фойдаланиб келганликларини қайд этиш лозим. Бу жараёнда нафақат меҳнат ҳуқуқи, балки солиқ қонунчилигини ҳам бузилиши кузатилган.

Мамлакатимизда яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишнинг амалдаги механизми амалиётда кузатилаётган айрим муаммоларни бартараф этиш имкониятини юзага келтирди, яъни тадбиркорлик фаолияти шаффофлигини ва ошкоралигини таъминламоқда.

Қатъий белгиланган солиқни ундиришнинг самарали тизими ишлаб чиқилиб, амалиётда бир неча йиллардан буён қўлланилиб келинган бўлсада, тадбиркорларнинг даромадлилик даражасини эътиборга олмади. Бунинг натижасида солиқларни солиқ тўловчининг даромадлилик даражасига мос ҳолда белгилаш тамойили талабларининг бузилишига олиб келди.

Шу ўринда яқка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллунувчи жисмоний шахслар учун қатъий белгиланган солиқ (ҚБС) ва ягона солиқ тўловининг улар фаолиятига таъсирини ўрганамиз (1-жадвал).

2019 йилдан эътиборан жорий қилинган тартиб, маълум даражада тадбиркорнинг даромадлилик даражаси (оборотни)ни ҳисобга олинишини назарда тутди. Юқоридаги жадвал маълумотларининг таҳлили кўрсатмоқдаки, яқка тартибдаги тадбиркорнинг йиллик товар обороти 300,0 млн.сўмгача бўлганида унга қатъий белгиланган солиқ тўлаганидан кўра ягона солиқ тўлагани афзал. Лекин солиқ қонунчилиги бунга имкон бермайди. 300,0 млн.сўмдан ортиқ товар оборотга эга бўлса, тўлайдиган ягона солиқ тўлови суммаси мос равишда ортиб боради.

1-жадвал

Яқка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллунувчи жисмоний шахслар учун ҚБС ва ягона солиқ тўловининг улар фаолиятига таъсирини таҳлили

Йиллик товар оборот (млн.сўм)	Ягона солиқ тўлови ставкаси, %	Йиллик солиқ суммаси (минг сўм)	Ўртача 1 ойлик солиқ суммаси (сўм)	2019 йил учун ҚБС ставкаси* (сўм)	Фарқи (+;-) (сўм)
1	2	3 (1x2/100)	4 (3/12)	5	6 (5-4)
100 гача	-	-	-	1 000 000	-
100,0	4	4 000	333 333,3	1 000 000	+666 667
200,0	4	8 000	666 666,7	1 000 000	+333 333
300,0	4	12 000	1 000 000	1 000 000	0
400,0	4	16 000	1 333 333	1 000 000	-333 333
500,0	4	20 000	1 666 667	1 000 000	-666 667
600,0	4	24 000	2 000 000	1 000 000	-1 000 000
700,0	4	28 000	2 333 333	1 000 000	-1 333 333
800,0	4	32 000	2 666 667	1 000 000	-1 666 667
900,0	4	36 000	3 000 000	1 000 000	-2 000 000
1000,0	4	40 000	3 333 333	1 000 000	-2 333 333

* Тошкент шаҳрида озиқ-овқат товарлари ва ноозиқ-овқат товарлари билан чакана савдо фаолиятини амалга оширувчи ЯТТларга 2019 йил учун ҚБС ставкаси (хар бир ой учун).

Мазкур ўзгаришнинг киритилиши якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари солиқ юкини товар оборотининг ўсишига мос равишда ошишига олиб келди. Бу ҳолат давлат бюджети манфаатларига кўпроқ мос келади. Лекин якка тартибдаги тадбиркор товар оборотидан 4 фоиз ягона солиқ тўловининг тўлаши унинг ҳақиқий олган даромадига мос солиқ мажбуриятини вужудга келтирмайди.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, якка тартибдаги тадбиркорлар учун солиқ тўлашни турли тартибларининг белгиланишини адолатли деб бўлмайди. Шу боис, якка тартибдаги тадбиркорликни солиққа тортиш тизимини такомиллаштиришда улар даромадларини солиққа тортишнинг оптимал механизмни яратишнинг долзарблиги ортомқда.

Хулосалар ва таклифлар

Хулоса тарзида таъкидлаш лозимки, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда улардаги психологик омилни албатта эътиборга олиш зарур. Зеро, ҳеч бир шахс солиқ тўлайман деб фаолият кўрсатмайди. Шундан келиб чиқиб, солиқлар айти вақтда қайишқоқ бўлиши, субъектларнинг фаоллигига салбий таъсир қилмаслиги лозим.

Назаримизда, жисмоний шахслардан даромадларини солиққа тортиш механизмидаги муаммолардан кўра, аҳоли даромадларини ошириш ва уларни қонунийлигини таъминлашга доир муаммолар мавжудлиги кузатилмоқда. Чунки, ҳақиқий эришилган ва қонуний асосига эга бўлган даромадларни солиққа тортиш механизми давр талабига мос равишда шакллантирилган. Бу билан жисмоний шахсларнинг солиққа тортилиши керак бўлган барча даромадлари солиққа тортилаяпти, деб бўлмайди.

Якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш механизмидаги сўнгги ўзгаришлар умум белгиланган тартибдаги солиқлар билан соддалаштирилган тартибдаги солиқлар ўртасидаги йирик миқдордаги тафовутларни қисқартириш орқали

солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини оптималлаштиришга қаратилган.

Бизнингча, истиқболда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни такомиллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

- жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда уларнинг жами даромадларини аниқлаш ва адолатли солиққа тортиш механизмини яратишга эришиш;

- жисмоний шахслар даромад солиғини такомиллаштиришда мавжуд имтиёزلарни қайта кўриб чиқиш;

- якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ва унда улар даромадларидан солиқ ундириш тизимига босқичма-босқич ўтиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сон Фармони (<https://www.lex.uz>).

2. Юлдашев И.С. Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини жорий этиш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2002. - 22 б.

3. Усманова М.С. Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация усулида солиққа тортишни такомиллаштириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2011. - 23 б.

4. Қиёсов Ш.У. Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш методологияси: моҳияти ва янгича ёндашув хусусида. //“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2018 йил.

5. Сабиров М. Даромадларни солиққа тортишда ижтимоий чегирмаларни қўллашнинг зарурлиги. //“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2018 йил.

6. Агзамов А.Т. Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг фискал самарадорлиги. //“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, декабрь, 2019 йил.

7. Jason Huang, Juan Rios. Optimal tax mix with income tax non-compliance Journal of Public Economics, Volume 144, December 2016, Pages 52-63. (<https://www.sciencedirect.com>).

8. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: “Адолат”, 2018 й. – 170 б.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазиргининг расмий сайти (<https://www.mf.uz>) маълумотлари.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сон қарори.